

**“Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи” тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

## **Мамлакатимизда фаолият юритаётган бошқа молиявий ташкилотлар**

Марказий банк томонидан пул-кредит ва молиявий статистика сифатини ошириш ва қамровини кенгайтириш бўйича Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) билан ҳамкорликда тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида пул-кредит шарҳлари халқаро стандартларга мос равишда тайёрланиб, уни эълон қилиб бориш йўлга қўйилди.

Жумладан, “Марказий банк шарҳи”, “Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шарҳи” ва “Депозит ташкилотлари (банк тизими) шарҳи” даврий равишда эълон қилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси молия тизими статистикаси қамрови тўлиқлигини таъминлаш мақсадида “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”ни шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди.

Ушбу “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи” молия тизимида фаолият юритаётган банк бўлмаган молиявий ташкилотларнинг иқтисодий секторларига бўлган талаб ва улар олдидаги мажбуриятлари ҳолатини акс эттиради.

Бунда, ушбу шарҳда мамлакатда фаолият юритувчи суғурта ва лизинг ташкилотлари, тўлов ташкилотлари ва тўлов тизими операторлари, фонд ва валюта биржалари, шунингдек, ломбардлар, микромолия ташкилотлари, Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси (ИҚМК) ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди (ФБОКФ) каби банк бўлмаган молиявий ташкилотлар бухгалтерия баланси ҳисоботларининг консолидациялашган ва ХВЖ стандартлари асосида шакллантирилган аналитик кўринишини акс эттиради.

Бунда, лизинг ташкилотлари фаолиятига оид маълумотлар фақат Ўзбекистон Лизинг Уюшмаси аъзолари бўлган ташкилотлар молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилади.

Мазкур шарҳдаги ҳисобот шакллари ХВЖ меъёрлари ва стандартлари асосида ишлаб чиқилиб, иқтисодий секторлари ва молиявий инструментлар тўғрисидаги миллий ва чет эл валюта кесимида кенгайтирилган маълумотларни қамраб олади. “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”:

**Активлари** – норезидентларга бўлган соф талаблар, депозит ташкилотларига бўлган талаблар, марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар, бошқа секторларга бўлган талаблар;

**Пассиви** – депозитлар, қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари), кредитлар, молиявий ҳосилавий инструментлар, суғурта техник захиралар, акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шаклларидан иборат.

Ушбу шарҳ чораклик асосида шакллантирилиб, 2019 йилнинг I чорагидан бўлган даврни қамраб олади.

### **Бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий активлари таркиби**

2024 йил 1 январь ҳолатига бошқа молиявий ташкилотларнинг жамланма молиявий активлари **29,1 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2019 йил якунига нисбатан **3,4** баробарга ошди.

Бунда, лизинг ташкилотлари молиявий активлари ушбу даврда **2,2** баробарга, суғурта ташкилотлари **2,6** баробарга, микромолия ташкилотлари **6,4** баробарга ва ФБОКФ **3** баробарга ўсган.

2020 йилдан ИҚМКнинг ташкил этилиши ҳисобига бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий активлари бўйича тақсимланишида таркибий ўзгаришлар кузатилган.

Хусусан, лизинг ташкилотларининг бошқа молиявий ташкилотлар жами молиявий активларидаги улуши 2019 йил якунидаги **45,6 фоиздан** 2023 йил якунида қарийб **30 фоизга**, суғурта ташкилотларида **31,2 фоиздан 24,1 фоизга** пасайган бўлса, микромолия ташкилотларида эса **8,1 фоиздан 15,2 фоизга**, тўлов ташкилотларида **0,4 фоиздан 6 фоизга** ошган.

Шунингдек, ИҚМКнинг улуши 2020 йил якунидаги **3,8 фоиздан** 2023 йил якунида қарийб **12 фоизга** етган.

Бу ўз навбатида, бошқа молиявий ташкилотлар жами молиявий активларининг молия тизимидаги улуши 2019 йилдаги **3,3 фоиздан 4,5 фоизга** етишига ҳисса қўшган.

Ушбу даврда бошқа молиявий ташкилотларнинг жами молиявий активларида чет эл валютасидаги активларининг улуши пасаявчи трендга эга бўлиб, 2023 йил якунида **8 фоизни** ташкил қилди.

Бунда, 2020-2023 йиллар оралиғида чет эл валютасидаги активлар улуши лизинг ташкилотларида **7 фоиз** даражасида ўзгаришсиз қолган бўлса, суғурта ташкилотларида ушбу кўрсаткич **33 фоиздан 23 фоизгача** пасайган.

Молиявий инструментлар бўйича қаралганда, чет эл валютасидаги молиявий активларнинг асосий қисми лизинг ташкилотларида қарз маблағлари ҳамда аванс тўловларидан, суғурта ташкилотларида эса

депозитлар, акциялар ҳамда бошқа капиталга инвестициялар ва қарз маблағларидан иборат.

Ушбу шарҳ бошқа молиявий ташкилотлар актив операцияларининг асосий қисмини бошқа секторлар (иқтисодиётнинг реал сектори) ҳамда банк тизимига бўлган молиявий талаблар ташкил қилишини кўрсатмоқда.

### а) Соф ташқи активлар


2022 йилдан бошлаб бошқа молиявий ташкилотларнинг соф ташқи активларида манфий тафовут юзага келди. Бу ўз навбатида, мазкур ташкилотларнинг норезидентлар олдидаги мажбуриятлари, талабларига қараганда юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Жумладан, лизинг ташкилотлари фаолиятида ташқи ресурс маблағларининг сезиларли ошганлиги, хусусан, норезидентлар олдидаги мажбуриятлари 2019 йил якунига нисбатан қарийб **5 баробарга** ошиб, **1,6 трлн. сўмга** етганлиги асосий омил бўлиб хизмат қилди.

1-расм

### Бошқа молиявий ташкилотларнинг норезидентларга бўлган талаблари ва мажбуриятлари

(млрд. сўмда)



Шунингдек, лизинг ташкилотларининг норезидентларга бўлган талаблари ҳажми 2019 йил якуни билан солиштирганда **3,5 баробарга** ошиб, 2023 йил якунида **208 млрд. сўмга** етган.


## б) Депозит ташкилотларига (банк тизими) бўлган талаблар

Бошқа молиявий ташкилотларнинг банк тизимига бўлган талаблари уларнинг жами активларига мос равишда ошиб бормоқда. Жумладан, ҳисобот даврида бошқа молиявий ташкилотлар жами молиявий активларида банк тизимига бўлган талаблар **36,5 фоиз** атрофида шаклланиб, 2023 йил якунида **10,6 трлн. сўм**га етди.

2-расм


### Бошқа молиявий ташкилотларнинг банк тизимига бўлган талаблари (молиявий инструментлар кесимида)

(млрд. сўмда)



Қайд этиш жоизки, банк тизимига бўлган жами талабларнинг асосий қисми депозитлардан иборат бўлиб, 2023 йил якунига келиб **60,7 фоизни (6,5 трлн. сўм)** ташкил этди.

### Бошқа молиявий ташкилотларнинг банк тизимига бўлган талаблари (ташкилотлар кесимида, улушларда)



Шунингдек, ИҚМКнинг ташкил этилиши ҳамда мазкур ташкилот томонидан тижорат банкларига ипотека кредитларини молиялаштириш мақсадида ажратилган ресурсларнинг сезиларли ошиши, ўз навбатида, мақсадли ва бошқа қарз маблағлари миқдорининг **3,4 трлн. сўм**га етишига хизмат қилди.

Ташкилотлар кесими бўйича қаралганда, 2023 йил якунида депозит ташкилотларига бўлган талабларнинг асосий қисми суғурта ташкилотлари (**43,1 фоиз**), ИҚМК (**32,1 фоиз**) ва ФБОКФ (**10,3 фоиз**) ҳиссаларига тўғри келди.

#### в) Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар

Таҳлилларга кўра, бошқа молиявий ташкилотларнинг марказий ҳукуматга бўлган талабларининг асосий қисмини ушбу ташкилотлар томонидан давлат қимматли қоғозларига киритилган инвестициялар (2024 йил 1 январь ҳолатига **1,9 трлн. сўм**) ташкил этди.

Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлари эса ҳукуматдан жалб қилинган қарз маблағлари (2023 йил якунига **3,2 трлн. сўм**), хусусан, ипотека кредитларини молиялаштириш мақсадида ИҚМК томонидан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобига шаклланди.

#### г) Бошқа секторларга бўлган талаблар

Бошқа молиявий ташкилотларнинг бошқа секторларга (маҳаллий ҳукумат, давлат номолиявий ташкилотлар, нодавлат номолиявий ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар) бўлган талаблари ўсувчи


динамикани қайд этмоқда. Хусусан, иқтисодиётга бўлган жами талаблар 2020 йил 1 январь ҳолати билан солиштирилганда **1,8 баробарга** ошиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **8,6 трлн. сўмни** ташкил қилган бўлса, 2023 йил якунида ушбу кўрсаткич **1,3 баробарга** ошиб, **15,5 трлн. сўмга** етган.

Бунда, асосий ўсиш лизинг ва микромолия ташкилотларининг умумий лизинг ва микромолия портфеллари ҳиссаларига тўғри келмоқда. 2024 йил 1 январь ҳолатига ушбу иштирокчиларнинг портфеллари ҳажми мос равишда **8,3 трлн. сўм** ҳамда **4,3 трлн. сўмга** етган. Таъкидлаш жоизки, мазкур ташкилотларнинг жамланма портфели ўртача хусусий банк кредит портфели даражасида шаклланмоқда.

4-расм

### Бошқа молиявий ташкилотларнинг бошқа секторларга бўлган талаблари

(млрд. сўмда)



## Бошқа молиявий ташкилотларнинг пассивлари таркиби

Пассивлари бўйича таҳлил қилинганда, бошқа молиявий ташкилотларнинг жами пассивлари таркибининг асосий қисми акциялар ва капитал ҳамда кредитлар (жалб қилинган қарз маблағлари) каби молиявий инструментлар ҳисобига шаклланмоқда.

Бунда, акциялар ва капиталнинг жами пассивлардаги салмоғи 2020 – 2023 йиллар давомида **40 фоиз**, кредитларнинг салмоғи ушбу давр оралиғида **35-36 фоиз** атрофида шаклланган.


Таъкидлаш лозимки, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан депозитлар жалб қилинмаслиги ҳамда молиявий ҳосилавий инструментлар билан боғлиқ операциялар амалга оширилмаганлиги боис пассивларнинг “Депозитлар” ва “Молиявий ҳосилавий инструментлар” бўлимларида қиймат мавжуд эмас. Шунингдек, 2023 йил якунида ИҚМК томонидан **95 млрд. сўмлик** қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) эмиссия қилинган.

### а) Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари

Бошқа молиявий ташкилотларнинг жами пассивлари таркибида капиталнинг улуши 2024 йил 1 январь ҳолатига **39,1 фоизни (13,5 трлн. сўм)** ташкил этди.

5-расм

### Бошқа молиявий ташкилотлар капитали (2024 йил 1 январь ҳолатига)



Бунда, энг юқори капиталлашув даражасига эга ташкилотлар қаторига ФБОКФ (100 фоиз ёки **3,1 трлн. сўм**), тўлов тизими операторлари **97,1 фоиз (873 млрд. сўм)**, ломбардлар **87,6 фоиз**



**(295 млрд. сўм)** ва тўлов ташкилотлари **55,9 фоиз (1,4 трлн. сўм)** киради.

Шунингдек, ИҚМК, микромолия, суғурта ҳамда лизинг ташкилотлари фаолиятини амалга оширишда жалб қилинган қарз маблағлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

### **б) Кредитлар**

Кредитлар – бошқа молиявий ташкилотлар томонидан иқтисодиёт секторларидан (норезидентлар ҳамда марказий ҳукуматдан ташқари) жалб қилинган кредитлар ва бошқа қарз маблағларини ифодалайди.

Ташкилотлар кесими бўйича қаралганда, йирик қарз олувчилар лизинг ва микромолия ташкилотлари бўлиб, ҳисобот даври якунида уларнинг жамланма улуши **96 фоизни** ёки **6,0 трлн. сўмни** ташкил қилди.

Шунингдек, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан олинган кредитларнинг салмоғли қисми банклар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жумладан, ҳисобот даври якунида тижорат банкларидан жалб қилинган ресурслар **4,6 трлн. сўмга** етди.

## Бошқа молиявий ташкилотлар сони

Т/р	Ташкилотлар	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024
1	Лизинг ташкилотлари	30	30	33	34	38
2	Суғурта ташкилотлари	36	40	42	41	38
3	ФБОКФ	1	1	1	1	1
4	Микромолия ташкилотлари	56	63	70	85	84
5	Ломбардлар	61	64	73	81	84
6	ИҚМК	-	1	1	1	1
7	Тўлов ташкилотлари	17	20	35	47	49
8	Тўлов тизими операторлари	2	2	3	3	3
9	Фонд ва валюта биржалари	2	2	2	2	2
<b>Жами</b>		<b>205</b>	<b>223</b>	<b>260</b>	<b>295</b>	<b>300</b>

**Бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий  
активлари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

млрд. сўм

Т/р	Молиявий ташкилотлар	01.01.2020		01.01.2021			01.01.2022			01.01.2023			01.01.2024		
		Актив	Улуш	Актив	Улуш	Ўзгариш	Актив	Улуш	Ўзгариш	Актив	Улуш	Ўзгариш	Актив	Улуш	Ўзгариш
<b>Бошқа молиявий ташкилотлар</b>		<b>8 598</b>	<b>100%</b>	<b>10 784</b>	<b>100%</b>	<b>25,4%</b>	<b>13 881</b>	<b>100%</b>	<b>28,7%</b>	<b>17 957</b>	<b>100%</b>	<b>29,4%</b>	<b>29 117</b>	<b>100%</b>	<b>62,1%</b>
1	Лизинг ташкилотлари	3 917	45,6%	4 561	42,3%	16,4%	5 115	36,8%	12,1%	5 342	29,7%	4,4%	8 714	29,9%	63,1%
2	Суғурта ташкилотлари	2 682	31,2%	3 184	29,5%	18,7%	3 773	27,2%	18,5%	5 028	28,0%	33,3%	7 006	24,1%	39,3%
3	Микромолия ташкилотлари	695	8,1%	893	8,3%	28,6%	1 255	9,0%	40,4%	1 965	10,9%	56,6%	4 415	15,2%	124,7%
4	ИҚМК			408	3,8%	0,0%	1 280	9,2%	213,4%	2 064	11,5%	61,3%	3 468	11,9%	68,0%
5	ФБОКФ	1 007	11,7%	1 289	12,0%	28,0%	1 654	11,9%	28,3%	2 073	11,5%	25,3%	3 018	10,4%	45,6%
6	Тўлов ташкилотлари	36	0,4%	179	1,7%	400,8%	419	3,0%	134,0%	957	5,3%	128,4%	1 739	6,0%	81,8%
7	Ломбардлар	125	1,4%	141	1,3%	12,8%	203	1,5%	44,1%	252	1,4%	24,6%	325	1,1%	28,6%
8	Тўлов тизими операторлари	48	0,6%	62	0,6%	28,4%	105	0,8%	69,9%	188	1,0%	78,3%	311	1,1%	65,8%
9	Республика валюта биржаси	39	0,4%	55	0,5%	42,7%	67	0,5%	20,9%	74	0,4%	11,5%	97	0,3%	30,9%
10	Республика фонд биржаси	51	0,6%	11	0,1%	-77,6%	11	0,1%	1,2%	15	0,1%	29,2%	25	0,1%	70,0%